O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 17 октябр, сешанба | № 42 (194) | Сотувда эркин нархда

Халқаро алоқалар

БИШКЕКДАГИ КЕЛИШУВ

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига дадил кириб бориши мамлакатимиз адлия соҳасининг халқаро ҳуқуқий алоқалари ривожланиб боришида ҳам ўз аксини топмоқда.

Шу йилнинг 26-27 сентябр кунлари Қирғизистон Республикасига расмий ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов бошчилигидаги делегация таркибида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири А.А.Полвон-зода ҳам бор эди. У ташриф давомида иккала давлат адлия вазирликлари ўртасида суд экспертизасига оид ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мавжуд дўстлик ва иккала давлатнинг миллий манфаатларига хизмат қилувчи алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда келгусида уларни янада жипсроқ йўлга қўйишни мақсад қилган Битим ҳужжатини Бишкек шаҳрида имзолади.

Қирғизистон томонидан мазкур мамлакат Адлия вазири Неллахоним Бейшеналил ва имзоланган мазкур ҳужжатда иккала давлатнинг суд экспертизаси соҳасидаги илм-фан ютуқлари ва тажрибасидан баҳамлашиш, суд-тергов фаолиятида муҳим рол ўйновчи мазкур соҳани янада юқори поғонага кўтаришда биргаликда янги услублар ва методикаларни такомиллаштиришда ҳамкорликни йўлга қўйиш каби жиҳатлар акс этган.

Битимга кўра тарафлар бу соҳада ўзаро ахборот алмашиб боради, биргаликда ўқув курслари ва семинарлар ташкил этади, кадрлар малакасини оширишда ҳамкорлик қилади, масалага оид бошқа муаммоларга биргаликда ечим топади.

Эслатиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Адлия вазирлигининг қўшни ва МДҲга аъзо давлатлар билан юқоридаги масала юзасидан алоқалари кўлами борган сайин кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бундай ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат бирмунча олдин Грузия ва Озарбойжон Республикалари билан имзоланган, амалда бўлиб келаётган, жорий йил ўрталарида Тожикистон Республикаси билан мазкур масалада Битим имзоланиб, алоқалар ўрнатилган эди.

Куни кеча Украина Республикаси Президенти Л.Кучма бошчилигидаги расмий делегациянинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи мобайнида 2000 йил 12 октябр куни мазкур давлат Адлия вазирлиги билан худди шундай ўзаро манфаатли Битим имзоланди.

Адлия вазирининг матбуот котиби хизмати

Адлия идоралари - тадбиркорлар ҳимоясида

ФЕРМЕРЛАР ПУЛИНИ ОЛИШДИ

Жиззахда

"Жиззахпахтасаноатсотиш" акциядорлик жамиятига қарашли "Иржар" пахта тозалаш заводи Арнасой туманида жойлашган "Отакўл", "Сайқал", "Юртбоши" деҳқон фермер хўжаликлари ҳамда "Эсон ота", "Бунёд", "Давлат ота" фермер хўжаликлари 1996-98 йилларда етиштирган ва топширган пахта ҳосили учун пул тўлов ҳисоб-китобини, турли асоссиз баҳоналар билан пайсалга солиб келган.

Фермерлар Жиззах вилояти Адлия бошқармасига мурожаат қилишгандан сўнг ушбу масала чуқур ўрганилиб, фермерлар манфаатига путур етказилганлиги аниқлангач, вилоят хўжалик судига даъво аризалари қўзғатилиб, материаллар ҳавола этилган.

Жиззах вилоят хўжалик суди вилоят адлия бошқармасининг юқоридаги фактлар бўйича 6 та даъво аризасини кўриб чиқиб, уларни тўлиғича қаноатлантириш ҳақида қарор чиқарган.

Суд қарори билан заводдан "Отакўл" деҳқон-фермер хўжалиги фойдасига 242 минг сўм, "Юртбоши"га 159 минг сўм, "Сайқал"га 175 минг сўм, "Эсон ота"га 113 минг сўм, "Бунёд"га 125 минг сўм, "Давлат ота" фермер хўжалигига 149 минг сўм ундириб бериш белгиланиб, қарорлар ижрога қаратилган.

Андижонда

Балиқчи тумани Бўстон жамоа хўжалиги шу ердаги "Нўъмонжон" ва "Рўзимуҳаммад" фермер хўжаликларидан шартнома асосида 1999 йилда етиштирган пахта ҳосилини қабул қилиб олиб, пулини тўлашга келганда пайсалга солиб келган.

Бу ҳақда фермерлар вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишгач, масалага одилона ва қонуний ечим топилди.

Адлия бошқармаси пайсалчи хўжаликни судга берди. Андижон вилоят хўжалик суди иккала даъво аризани кўриб чиқиб, "Нўъмонжон" фермер хўжалиги фойдасига 565 минг сўм, "Рўзимуҳаммад" фермер хўжалиги фойдасига қарийб 1 миллион сўмни "Бўстон" жамоа хўжалигидан ундириб бериш ҳақида қарор чиқариб, даъвони тўла қаноатлантирди.

Адлия вазирининг матбуот котиби хизмати

(Ушбу мавзудаги хабарлар газетамиз саҳифаларида мунтазам бериб борилади).

Юрист аёл дил сўзлари

ЮРТ ТИНЧЛИГИ – ЭНГ НОЁБ БОЙЛИК

Энг муқаддас нарсаларни (эҳтимол "нарса" атамаси жумлага мос тушмас) асрай олмаган одамларни авлодлари ҳеч қачон кечирмайди. Тилда кечиришса-да, дилдан кечира олишмайди. Оқсоч тарихнинг бунга далил-исботи бисёрдир. Ўзбекистондек гўзал Ватанда, оқибатли халқ ичида туғилиб-ўсганимга беадад шукур қиламан.

Йигирма икки йилдирки, афғон уруши тугамайди. Қўшни Тожикистон ўн йиллаб бошбошдоқлик, биродаркушлик урушининг жабрини тортди. Қардош юртда ҳам аста-аста тинчлик, эркинлик шаббодалари эсаётгандек. Ушбу давлатларнинг фуқаролари юртимиздаги осойишталикка ҳавас билан қарашса, не ажаб?

Куни кеча ҳурматли Юртбошимизнинг "БМТнинг 1000 йиллик саммити"да сўзлаган оташин нутқларини тинглаб, бутун вужудимни фахр-ифтихор туйғуси эгаллаб олди. Ич-ичимдан ўртаниб, тўлқинланиб кетдим.

Узун ва Сариосиёнинг тоғли ҳудудларида кечган таҳликали воқеалар гарчи мен яшаётган Термиз шаҳридан олисда бўлсада, аёл, она бўлганлигим учунми, гўёки жанггоҳларда отилган ҳар бир ўқ менинг қалбимга келиб теккандек, битмас жароҳат солгандек туюлди. Ватан ҳимояси чоғида шаҳид кетган аскарларнинг хонадонларига таъзияга бориб, аччиқ кўзёш тўкиб, фарёд чекаётган азадор оналарга қўшилиб, юртимиз ғанимларини қарғадим. Иншооллоҳ, мотам либосидаги оналарнинг қарғиши одам қиёфасидаги газандаларга ўқдан ҳам қаттиқроқ теккусидир...

Баъзан қўшни вилоятлардан дўсту дугоналарим телефонда суҳбатлашиб қолсак, "Сиз томонларда тинчликми ўзи?" деб сўраб қолишади. "Ҳа, хотиржам бўлаверинг, ватанимиз тинч, Оллоҳга шукур, илоё тинч бўлсин!" дейман.

Ҳа, биз учун энг ноёб бойлик шу — юртимиз тинчлиги.

Биз — адлия бошқармаси ходимлари шу кечакундузда прокуратура, ички ишлар бошқармаси ҳамда ҳокимликларнинг масъул ходимлари билан ҳамкорликда ўқув юртлари ва меҳнат жамоалари ҳузурида бўлишиб, диний экстремизм, терроризмга қарши кураш, айниқса, ёшларнинг покиза онгини заҳарлашга уринаётган ғаламисларга ўз баҳосини бериш пайти келганини тушунтириб бораяпмиз.

Эртами-кечми, албатта, муқаддас сарҳадларимизни бузиб, тупроғимизга ифлос қадамини қўйганлар, эл-юрт олдида, шаҳид кетган фарзандларимизнинг руҳлари олдида, уларнинг оналари олдида жавоб беришади.

Эркиной ПАРДАЕВА,
Сурхондарё вилояти ҳокимлиги адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Муносабат

Қаршимизда турфа йўллар: истасак узун, қисқа, хоҳласак сўқмоқлардан юришимиз мумкин. Шундай ўй-хаёллардан кечиши билан бехос умум йўли кўз- ўнгингдан ўта бошлайди. Унинг оҳанрабодай чорлашида ўз халқинг нигоҳи билан юзма-юз келасан. Шунда беихтиёр давомли ҳақ йўлдан бориш ҳақида ўйлайсан.

Ўзбекистон мустақиллигига атиги 9 йил бўлди. Қисқа даврда озод юртимиз қад ростлади. Мавжланиб, тўлқинланиб турган денгиз, ўз бағридаги кераксиз, пуч нарсаларни қудратли тўфонлари ила қирғоққа итқитиб ташлаганидек, жамият ҳам ўз мўътадиллигини бузувчи унсурлардан халос бўлмоқ истайди.

ВАТАНДАН АЙРИ ТУШГАНЛАР

Бундан тўққиз йил муқаддам мамлакатимиз тупроғида содир бўлган бошбошдоқлик, тўс-тўпалон, хунрезликларни бир эслаб кўринг. Барчаси ўтди, халқ иродаси, мамлакатимиз бошлиғи - Юртбошимиз олиб борган тўғри сиёсат сабаб катта йўлга тушиб олдик. Аҳиллик ва бирликни кўзга тутиё қилиш, қадрига етиш ҳар биримизнинг бурчимиз.

Ҳозирги кунда Жума Ҳожиев, Тоҳир Йўлдош дея номлари бот-бот тилга олинаётган кимсаларни эл-юрт яхши билади, уларнинг кимлиги илгаридан маълум. Донолардан бири: "Шахсиятпараст ҳокимликка интилар экан, ўзининг таянчи ва мавжудлигининг сабабкори бўлмиш ўлим билмас худони ўлдиришга мажбур бўлади ва шу дақиқадан бошлаб ўз "мен"ининг емирилиши бошланади", дейди.

Айни шу ҳақиқатдан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, тоғу тошларда итдай санғиб юрганларнинг бошида турган кимсаларнинг ичи тўла алам, ўз имкони, қадрини билмаган бу хоин — юртфурушлар Ватаннинг, миллатнинг, ўз ота-онасининг қадрига етармиди?

Юқорида номлари тилга олинган кимсаларни ақл тарозусидан ўтказиб кўрайлик-чи, дарҳол кимлиги намоён бўлади. Халқнинг юрагига яқин бўлолмаган, оддий маҳалласининг оқсоқолига тенглашмаган бу муттаҳамларнинг қандай қилиб юрт номидан гапиришга ҳаққи бўлиши мумкин? Улар ким — улар ёвузлашган бир тўда. Юртфурушларнинг бугунги талвасалари ўтмишнинг қора кунларини эслатади. Бугун ўзларини "қаҳрамон" санаётган сотқинлар эртага тарихнинг шафқатсиз ҳукми билан ёмон отлиқ бўлишдан қўрқмайдиларми? Уларда шундай туйғу бўлганда эди — аллақачон кечирим сўраб, бош эгиб келган бўлардилар.

Йўқ, улар аксинча, Ислом туғини кўтариб, ислом мамлакати барпо этармиш. Даъвони қаранг?! Юртимизнинг бугунги пойдеворига битта ғишт қўйишга ярамаган кимсалар қайтадан юрт тузармиш, юртнинг "эгаси" бўлармиш. Бугун юртимизда кечаётган улкан ўзгаришларни тоғу тошларда санғиб юрган ватангадолар билишармиди? Йўқ, улар билишни исташмайди. Улар эзгуликдан йироқ кишилар.

Ўлим ҳақ, деган гап бор. Аммо ўлмай, оқпадарга айланган кимсаларнинг биронтасига юртимиз жамолини, одамлар онгидаги ўзгаришларни бир кўрсатмоқ жоиз. Токи нимага, кимга қарши тиғ ўқталганларини билиб кетсинлар. Ўз юртининг юзига оёқ қўйган Тоҳир Йўлдош ва Жума Ҳожиев кабилар ўзга юртдан, ўзга кимсалардан мадад, паноҳ гадоси бўлиб юришибди. "Катта қўпорувчи", "Биринчи рақамли террорчи" номини олган кимсага ювиндихўр бўлиб кун кечираяпти. Уларнинг топшириқларини бажараяпти. Албатта, уларнинг бу хизматига ҳақ тўлашади: кийинтиради, қуроллантиради (ўз биродарингни от, ўлдир, деб) чўнтагига пул солади.

Ҳуллас, хоинларни шу тартиб сийлашади. Зулмга, қўпорувчиликка қўшилганларнинг қисмати ҳамиша ўлим билан якунланган. Узун ва Сариосиё тоғларида кечган тўқнашувлар, ватан хоинларининг шармандали ўлими бунга далилдир. Ҳа, улар шундай шармандали йўлни танлашган экан, ўлим-жазо ҳам шунга яраша бўлди.

Норбек ЭШНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат 1-Тиббиёт институтининг ўқитувчиси

Долзарб мавзу

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ

"Тадбиркорни ҳимоя қилиш бизнинг — ҳаммамизнинг бурчимиз", - дейди Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Усмон Султонович ЖУРАЕВ

Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши кичик ва ўрта бизнес, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади... Афсуски, ҳали мамлакатимизнинг кўпгина жойларида тадбиркорлик, шахсий ташаббус иқтисодий ўсишнинг ва аҳоли даромадлари манбаининг асосий омилига айлангани йўқ. Айрим мансабдорлар томонидан тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган сансоларлик, тўраларча муносабат кўринишлари ҳамон содир этилмоқда" — муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ушбу сўзлари таъсирида, айтиш мумкинки, бутун мамлакатимизда сезиларли ўзгаришлар юз берди.

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги ташкилотлари зиммасига тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдек муҳим вазифа юклатилгач, бу борадаги ишлар аниқ меъёр, тартиб асосида ўз ўрни, ҳуқуқий мезонини топмоқда.

Бу борада Бухоро вилоятида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ер, мулк ўз эгасини топяптими? Тадбиркор, фермерлар ғайриқонуний текширувлар, айрим бюрократик тўсқинликлардан қай йўсинда ҳимоя қилинмоқда? Мухбиримизнинг суҳбати айни шу мавзуда.

2-бет

Она тилим — жону дилим

МИЛЛАТ БОЙЛИГИ

(ёхуд "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг ижроси хусусида айрим мулоҳазалар)

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига ҳам ўн бир йил тўлди. Бу давр ичида тилимизнинг обрў-эътибори қайта тикланди. Қонуннинг 1-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ўзбек тили экани амалда ўз ифодасини топди. Мамлакатимизда ўтказилаётган улкан анжуманлар, мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар Давлат тилида олиб бориладиган бўлди. Собиқ тузум даврида руслашган турмушимизга тил орқали ўзбекона руҳ киргани ҳеч кимга сир эмас. Республикамиз мустақилликка эришгандан буён Ўзбекистонни, ўзбек халқини ва унинг тилини жаҳон танимоқда. Мустақил давлатимиз мадҳияси дунёнинг турли бурчакларида янграмоқда. Яқинда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиадада давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилганида нафақат Олимпия чемпиони, боксчимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, балки бутун ўзбекистонликлар қалби фахр-ифтихор туйғуси билан тўлиб-тошди. "Муҳаммадқодир кўксида олтин медал билан ғолиблик шоҳсупасида мағрур турганида, унинг шарафига давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилганида, унинг тимсолида халқимизнинг куч-қудрати, шижоат ва матонати намоён бўлди, десам асло хато бўлмайди", - деган эди она тилимизнинг фидойиси, Юртбошимиз Ислом Каримов. Дунё халқлари ичида ўзбек тилини ҳам бошқа тиллар сингари ўрганишга қизиқувчи ихлосмандлар сони тобора ортиб бораяпти. Хўш, ана шундай жараёнлар кечаётган бир пайтда қандай муаммоларга дуч келаяпмиз? Ўтган ўн бир йил давомида тил тўғрисидаги қонунга, она тилимизга қандай муносабатда бўлдик?

Тилга, хусусан, Давлат тилига ҳамма даврда ҳам, ҳар қайси жамиятда юксак эътибор қаратилган. Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг туркий тил равнақи учун жон куйдиргани тарихдан маълум. Унинг биргина "Фарҳод ва Ширин" достонида 18 мингта сўздан фойдалана олгани, тилимизнинг нақадар бой ва рангбаранг эканлигини амалда исботлаганидан далолатдир. Буюк жадидчи Абдурауф Фитратнинг тил учун, унинг обрў-эътибори учун жонкуярлигини эслайлик. Эндиликда мамлакатимизда она тилимиз ўз мавқеи, эътиборини қозонди. Бироқ кундалик ҳаётимизда ҳалигача собиқ тузум асоратлари сезилиб қолаяпти. Табиатимизга сингиб кетган тилни бузиб гапириш иллатидан ҳануз халос бўла олмаяпмиз. Мабодо "рапорт" ўрнига "билдирги", "протокол" ўрнига "баённома", "характеристика" ўрнига "тафсифнома"сўзларини ишлатсангиз, гапингиз сунъийлашгандек бўлаверади. Нега шундай? Ўз сўзимиздан фойдаланишга журъатсизликнинг сабаби нимада? Талаффузимизга озроқ эътибор бериб, қунт қилиб, ана шундай сўзларнинг муқобилини топиб оммалаштириш унчалик қийин эмаску, ахир.

"Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг 20-моддасида шундай дейилади: "Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари Давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин".

Афсуски, айнан жамоатчиликнинг эътибори кўпроқ тушадиган жойларда қонуннинг ушбу талабларига ҳамиша ҳам амал қилинмаяпти. Ҳалиям айрим маиший, маданий ва маърифий шохобчалар пештоқларида "продукты", "мороженое", "спецодежда", "сантехника", "стройматериалы", "женская одежда", "дом мебели", "всё для дома", "парихмахерская", "салон красоты", "аптека", "оптика", "стоматология", "библиотека", "книжная" каби ёзув-лавҳалар муқим турибди.

Юқоридаги модданинг мантиқий давоми сифатида Қонуннинг 21-моддасида: "Корхоналарда ишлаб-чиқариладиган маҳсулотлар Давлат тилидаги ва бошқа тиллардаги ёрлиқлар, йўриқномалар, этикеткалар билан таъминланади" дейилган. Минг таассуфлар бўлсинки, "Ўзмевасабзавотузумсаноат – холдинг" томонидан ишлаб чиқарилаётган спиртли ичимликлардаги ёрлиқлар мутлақо Қонунга ҳилофдир. Мазкур компания маҳсулоти бўлган "Новый город" ароғига сурати туширилган Олий Мажлис биноси наҳотки барчага маълум бўлса!?

Қонуннинг 22-моддасида: "Республиканинг маъмурий ҳудудий бирликлари, майдонлари, кўчалари ва географик номлари Давлат тилида акс эттирилади" дейилган.

Одатда жой номлари тарихий-миллий асосдан келиб чиққан ҳолда қўйилади. Аммо пойтахтимиздаги баъзи кўчалардан ўтганингизда бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб кўриш лозимлигини яна бир бор ҳис этасиз.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлар, топонимик объектларга ном бериш, улар номини ўзгартириш, вилоят, туман, шаҳар топонимия комиссияларининг тавсияларига кўра Ўзбекистоннинг "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий тузилиши, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида"ги 1996 йил 30 августдаги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш тўғрисида"ги 1996 йил 30 майдаги 203-сонли Қарорига кўра Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги махсус комиссияга юклатилган. Давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг ижросини таъминлашга хизмат қилувчи ушбу меъёрий ҳужжатларнинг бажарилиши ҳам етарли даражада эмас.

Айрим жойларда ҳанузгача иш юритишда, расмий ҳужжатларни тўлдиришда давлат тилига амал қилинмаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Қонунга зўрма-зўракилик билан амал қилиш ҳоллари ҳам сезилиб қолаяпти. Қайсидир нуфузли идораларнинг эшиги тепасига "қобулхона" деб ёзиб қўйишибди. Наҳотки, "қобулхона" эмас, "қабулхона" бўлиши кераклигига ўша ташкилот раҳбарларининг фаросати етмаса?! Раҳбар ўзбек тилини яхши билмаса, ўзбек тили табиатини яхши тушунмаса, ходимлардан нимани кутиш мумкин?

Қонуннинг 10-моддасида: "Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларида иш юритиш, ҳисоб-китоб, статистик ва молия ҳужжатлари Давлат тилида юритилади, ишловчиларнинг кўпчилиги ўзбек тилини билмайдиган жамоаларда давлат тили билан бир қаторда бошқа тиллар ҳам амалга оширилиши мумкин" дейилган.

Бу нарса ҳужжатлардагина Қонунга риоя этиш дегани эмас. Ташкилотлар, муассасалар, корхоналарда ишловчи барча ходимлар оғзаки нутқда ҳам давлат тилига риоя этишлари керак. Ҳар ким ўз ишига тегишли бўлган атамаларда ўз нутқида ўзбекча қўллай билса, тилимизнинг янада такомиллашувига ва бойишига хизмат қилган бўлар эди. Бунинг учун эса "справка", "рекомендация", "бланк", "грамота", "путёвка", "ордер", "выговор", "доверенность" , "штраф" ва бошқа шу каби сўзларни ишлатишдан аввал ўзимиз тийилишга ҳаракат қилишимиз керак.

Кўпчиликни ташвишлантираётган муаммолардан яна бири – исм-фамилияларининг ёзилиш масаласидир. "Давлат тили ҳақида"ги Қонуннинг 15-моддасида ҳам бунга алоҳида урғу берилган. Яъни Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар миллатидан қатъий назар, ўз исмини, отасининг исми ва фамилиясини миллий тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар. Демак, Гулямов, Кадиров, Джураев, Ходжаев каби фамилияли кишилар энди ўз фамилиясини Ғуломов, Қодиров Жўраев, Хўжаев тарзида ўзгартириб олишлари мумкин. Бироқ паспорт бўлимларида, нотариал идораларда, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида бунга етарлича эътибор берилмаяпти.

Тил билан боғлиқ муаммолар таълим соҳасида ҳам кўзга ташланиб турибди. Айрим домлаларнинг илгари рус тилида олган билимларини эндиликда талабаларга ўзбек тилида етказишга қийналишаётганлиги кўпчиликка сир эмас. Баъзи бир олий ўқув юртларида талабалар ҳамон рус тилидаги адабиётлардан илм олишга мажбур бўлишяпти. Ўзбекча атамаларни ҳаётга татбиқ этиш қийин кечаётган бир пайтда, кўплаб олий ўқув юртлари ҳарбий кафедраларида дарслар ҳанузгача асосан рус тилида олиб борилаяпти. Ўзбек тилини ўрганиш, қолаверса, бошқа миллат ва элатларнинг тилларини ҳам ривожлантириш учун мамлакатимизда етарли шарт-шароит мавжуд. Бу борада Қонуннинг 4-моддасида шундай дейилган: "Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади".

"Фуқароларга давлат тилини ўрганиш бепул амалга оширилади".

Ҳозирги пайтда фарзандларимизга инглиз, немис, хитой, япон, испан ва бошқа тилларни пул тўлаб ўргатаётганимизни ҳисобга олсак, бу модда юртимизда яшовчи бошқа миллат вакилларининг давлат тилини ўрганишлари учун катта имкониятдир.

Қолаверса, ҳар қандай миллат вакилининг тили ҳурмат қилиниши, унинг ривожи учун етарли шарт-шароит яратилиши масаласининг қанчалик адолатли ҳал этилаётганлигини кўрсатиб турибди. Давлат тили билан боғлиқ муаммоларни ечиш учун Қонунда барча кўрсатмалар ўз ифодасини топган. Шундай экан, она-тилимизнинг мавқеини кўтаришда барчамиз бирдек фаол бўлмоғимиз лозим.

Зеро, мамлакатимизнинг Давлат тили ҳақидаги Қонунини бажаришга ҳаммамиз баб-баробар бурчлимиз.

Исматулла МАМАНОВ,
ҳуқуқшунос

Адлия идораларига мурожаат

ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимиз миллий мустақиллигига эришгандан сўнг юртимизда буюк келажак сари янгича одимлар ташлашга киришдик. Жамиятимизнинг барча жабҳаларида туб бурилиш ясаш, уларни ислоҳ қилиш даври бошланди. Одамларимизда янгича фикрлаш, шўровий тузумнинг асоратларидан фориғ бўлиш тақозоси пишиб етилди. Бунда биринчи галда мамлакат иқтисодий сиёсатини ислоҳ қилиш тақозоси юзага келди.

Иқтисодиёт — бу кўп қиррали, мураккаб соҳа. Уни янгичасига шакллантириш ҳазилакам иш эмас. Фақат бозор иқтисодиётининг ўзигина минглаб талаб ва муаммоларни ўртага қўяди. Ана шундай муаммолар орасида, замонавий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг таянчини пухта пойдевор билан мустаҳкамлаш чораларидан бири бу — тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнес вакилларига кенг йўл-шароит яратиш, фермерлик ҳаракатини кенг ёйиш, "ишбилармонлик, тадбиркорлик бу яратувчилик, фахр иши" деган тушунчани бунёд этиш вазифалари юзага келди.

Аввало юртбошимиз тадбиркорнинг ҳуқуқини, қонуний манфаатини ҳимоялашга киришишга бош-қош бўлди. Ушбу масалага оид ҳуқуқий база, реал имконият ва қонуний кафолат яратила бошланди. Бу борада янги механизм, ҳуқуқий дастаклар юзага кела бошлади.

Улардан бири Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги "Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи Кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги 57-сонли қарор бўлиб, унинг ижроси бўйича масъул бўғин — Адлия вазирлиги қошида "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси" ва жойларда унинг бўлимлари ташкил этилиши бўлди. Бу янги тизилма амалда 2000 йилнинг II чорагидан таркиб топиб, фаолият кўрсата бошлади.

Қарангки, шунга ҳам 6 ойдан ошиқ вақт ўтибди. Хўш, бу тармоқ қандай ишлаяпти? Нималарга эришди ва келгусидаги вазифалари ойдинми?

Бу саволларга жавобни ўтган 5 ойлик таҳлилларимиздан излашга ҳаракат қиламиз: тадбиркор ва ишбилармонлардан мавзуга оид 1079 та мурожаат-шикоят ва ариза қайд этилибди.

Хўш, уларнинг географияси ва мазмун-моҳияти қандай?

Аввало Адлия вазирлиги ҳузуридаги бошқарма бевосита 386 та мурожаатни қабул қилди. Уларни қуйидаги диафрагмамиздан кузатишингиз мумкин:



1. Қорақалп. Респ. 38 та – 3,5 фоиз
2. Андижон 63 та – 6 фоиз
3. Бухоро 94 та – 9 фоиз
4. Жиззах 47 та – 4,5 фоиз
5. Навоий 38 та – 3,5 фоиз
6. Наманган 39 та – 4 фоиз
7. Самарқанд 85 та – 7,8 фоиз
8. Сирдарё 63 та – 6 фоиз
9. Сурхондарё 180 та – 17 фоиз
10 Тошкент шаҳр 76 та – 7 фоиз
11 Тошкент вилояти 52 та – 5 фоиз
12 Фарғона 36 та – 3 фоиз
13 Хоразм 11 та – 1 фоиз
14 Қашқадарё 90 та – 8,5 фоиз
15 Адлия вазирлиги бошқармасига 167 та



1. Тадбиркорларга ер майдонлари ажратиб бериш юзасидан 69 та - 17,8 фоиз
2. Тадбиркорларга кредит бериш юзасидан 38 та – 9,8 фоиз
3. Ноқонуний текширишлар ҳақида 37 та – 9, 5 фоиз
4. Хўжалик имзолари юзасидан 35 та – 9 фоиз
5. Солиқ тўғрисидаги қонунчилик бузилаётганлиги ҳақида 27 та – 7 фоиз
6. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашуви 25 та – 6,4 фоиз
7. Бозорлар маъмурияти томонидан савдо қилиш жойлари ажратиш масаласи 24 та – 6,2 фоиз
8. Тадбиркорлик билан боғлиқ умумий ва хўжалик судлари қарорларидан норозилик мазмунида 23 та – 5,9 фоиз
9. Фермер хўжаликлари тузиш масаласида 32 та – 5,6 фоиз
10. Патентлар очиш масаласида 18 та – 4,6 фоиз
11. Тадбиркорлик фаолиятининг ноқонуний тугатилиши ҳақида 18 та – 4,6 фоиз
12. Лицензия олиш бўйича 13 та – 1,2 фоиз
13. Меҳнат қонунчилиги юзасидан 5 та – 1,2 фоиз
14. Тадбиркорлик фаолиятига боғлиқ бўлмаган бошқа масалалар юзасидан 32 та – 8,2 фоиз

Шундан 167 таси ёки 42,2 фоизи вазирлик бошқармаси орқали бевосита ҳал этилди.

Мурожаатларнинг мазмуни ва сабаби таҳлил қилинганда, аксари ҳолларда тарафларнинг "Ер тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳамда қарорларни яхши билмасликларига келиб тақалаяпти. Иккинчи сабаб эса — жойлардаги мутасадди ташкилотлар, ҳокимликлар ва ҳатто ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар томонидан мурожаатларга тегишлича эътибор билан ёндашмаганлик бўлиб чиқаяпти. Баъзи ҳолларда тадбиркорнинг путур етган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклаш, уларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш талаб даражасида эмаслиги аниқланмоқда.

Масалан, Сирдарё вилоят адлия бошқармасига қилинган мурожаатлардан 35 таси асосли деб топилган. Демак, ушбу шикоятлар бўйича у ёки бу тадбиркорнинг ҳуқуқи, манфаатига путур етказилган. Мурожаатлар юзасидан текшириш ўтказилиб, камчиликлар бартараф этилган. Лекин улардан 20 таси ёки 57 фоизи юзасидан судларга даъво қўзғатилган холос. Нисбатан олинганда бу вилоятдаги ишлар кўрсаткичи ёмон эмас, қачонки, масалан, Сурхондарё вилояти адлия бошқармасида қарийб шу миқдорда қаноатлантирилган, асосли мурожаатлар юзасидан бор-йўғи 4 таси ёхуд 12 фоизи бўйича тадбиркорга етказилган моддий-маънавий зарарни ундириш тўғрисида судларга даъво аризаси киритилган.

Хўш, аризаларнинг кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши қай аҳволда?

Тушган жами 1079 та мурожаатдан 903 таси ёки 84 фоизи тўла ҳал этилди. Жумладан, 125 таси ёки 14 фоизи тааллуқлиги юзасидан тегишли идораларга юборилиб, тўла ечим топилгунга қадар назорат остида тутиб турилди, 109 таси ёки 12 фоизи асоссиз сифатида рад этилди, яъни қаноатлантирилмади, 256 таси ёки 28 фоизи муаллифларга қонуний тушунтиришлар билан боғлиқ бўлди. 413 таси ёки 46 фоизи, яъни ўрганилганда қарийб 2 та мурожаатдан биттаси асосли деб топилди ва қаноатлантириш учун барча чоралар кўрилди. Ҳозирги кунда 170 тага яқин аризалар юзасидан текшириш ишлари олиб борилаяпти.

Бу ерда албатта, биринчи галда 413 та мурожаатнинг асосли деб топилиши алоҳида эътиборни тортади. Демак, шунча қонун бузилиши, тадбиркор ҳуқуқи паймол этилишини ўнглашга тўғри келинди. Адлия идоралари бу ҳолатларни чорасиз қолдирмади. Қонунбузишликларга йўл қўйган 32 та мутасадди идорага огоҳнома киритилди, қонунни бузмаслик ва айбдорларга чора кўриш учун 164 та тақдимнома турли поғона мансабдор шахслари эътиборига ҳавола этилди. Энг муҳими, тадбиркорнинг қонуний манфаатлари муҳофазаси таъминлана бошланди, уларда ишонч, мақсад сари интилиш туйғуси шакллантира борилди.

Бу борада тўсиқ қўйган, тўғон бўлган айбдор мансабдор шахсларга интизомий, маъмурий, мулкий ва жиноий жавобгарликка қадар бўлган чоралар кўрилиши таъминлана бошлади. Бошқарма ва адлия идораларининг жойлардаги бўғинлари бу масалани қатъий назоратда тутиб турди.

Таъкидлаш жоизки, энг кўп аризалар Сурхондарё вилоятида қайд этилган бўлиб, ҳуқуқий чоралар кўриш борасида ушбу вилоятда 70 фоиз тасдиғини топган шикоятлар юзасидан тегишли тақдимномалар киритилган.

Тадбиркорликка оид қонунбузилишларга турли шакл ва мазмунда йўл қўйилаётганлиги аниқланаяпти. Баъзида туман ҳокимликлари бундай аризаларни қайд қилмасдан, бу ишни товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига "ташлаб" қўйган ҳолларига дуч келинди. Ҳатто ноқонуний равишда жамоа хўжаликлари ёки қишлоқ фуқаролари йиғинига киритилган аризалар учрайди. Сабабсиз узоқ муддат, 3-4 ойлаб ҳокимиятларда кўрилмай, чўзилган аризалар ҳам бисёр.

Масалан, Сурхондарё вилояти, Олтинсой туман ҳокими "Адолат" хусусий фирмасини рўйхатга олиш тўғрисидаги мурожаатини қайд қилмасдан, узоқ муддатдан сўнг рўйхатга олган.

Самарқанд вилояти, Пахтачи туманида Ғ.Ўтаевнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш тўғрисидаги мурожаатига асоссиз равишда сунъий тўсиқлар қўйилган. Адлия идоралари масалани ўрганиб, А.Аллаёров номли жамоа хўжалиги раиси Н.Жўраев ва бошқа баъзи мансабдор шахслар ҳаракатида жиноят белгилари мавжуд, деган хулосага келди ва тергов юритиш лозимлиги ҳақида таклиф киритди.

Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари Т.Қўчқоров ва А.Холдоровлар тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашган ва ғайриқонуний ҳаракатлар содир этишган. Адлия идоралари тавсияси билан уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Шуниси ачинарлики, 176 та ёки 43 фоиз мурожаатлар ўрганилганда ички ишлар, солиқ инспекцияси каби маъмурий идораларнинг тадбиркор фаолиятига асоссиз, текширув тарзидан ноқонуний аралашуви аниқланган. Бу борада айбдор шахслардан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида қўзғатилган 117 та даъво аризаларимиз судларда кўрилиб қаноатлантирилди, тадбиркорлар фойдасига жами бўлиб 76 миллион сўмга яқин зарар реал ундириб берилди.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ИИБ ходимлари Я.Якубов ва А.Юнусовлар тадбиркор С.Шарафутдиновнинг фаолиятига асоссиз аралашиб, товарларини олиб қўйишиб, 2 ой муддат материални ўзларида сақлаб юришган. Ҳолат чуқур ўрганилиб, ҳар иккала ходим судга берилди ва улардан тадбиркор фойдасига 50 минг сўм моддий, 200 минг сўм маънавий зарар ундирилиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Судларга киритилган жами 176 та даъво аризаларнинг 109 та ёки 62 фоизини умумий судлар кўриб, 71 та ёки 65 фоизи бўйича даъволарни қаноатлантириб 28.705.570 сўмлик моддий зарар ундиришни белгилаган.

67 та ёки 38 фоиз даъволарни хўжалик судлари кўриб, шундан 46 та ёки 69 фоизини қаноатлантириб, 47.216.547 сўм миқдорида тадбиркорларга келтирилган моддий зарар ундиришни белгилаган.

2000 йил 5 июл куни Сирдарё вилоят адлия бошқармаси Ж.Ержанов номли фермер хўжалиги манфаати юзасидан жавобгар Сардоба пахта тозалаш заводидан контрактация шартномаси бўйича линт маҳсулоти учун 1.285.275 сўм ундириш ҳақида даъво ариза кирган. Сирдарё вилоят хўжалик суди мазкур ишни 2000 йил 4 августда кўриб, даъвони қаноатлантирган.

Бундан ташқари судлар томонидан 2000 йил 1 сентябрига қадар ҳуқуқлари бузилиши оқибатида зарар кўрган тадбиркорлар фойдасига 25.793.651 сўмлик моддий ва маънавий зарар ундириш белгиланган бўлиб, шулардан моддий зарарлар миқдори 19.690.651 сўмни ташкил этиб, 87 та шахслардан жами 14.017.475 сўм ундирилган.

Жумладан, 21 та хўжалик раҳбарларидан 8.084.054 сўм, 10 та назорат қилувчи идора ходимларидан 1.124.825 сўм, 56 та давлат солиқ инспекцияси ходимларидан 4.808.596 сўм ундирилган.

Ундирилган маънавий зарарлар миқдори 6.103.000 сўмни ташкил қилиб, 81 та шахсдан 4.530.500 сўм ундирилган.

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон туманилик тадбиркор Н.Шамсиевнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, "Буюк-Турон" ширкат хўжалиги бошқаруви раиси М.Саидовнинг ноқонуний ҳаракати оқибатида етказилган 100 минг сўм маънавий зарарни ундириш ҳақида киритилган даъво аризаси суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилган. Бундай мисолларни бошқа вилоятлар ва ҳудудлар фаолиятидан яна кўплаб келтириш мумкин.

Хуллас, ишлар қатъият билан давом эттирилаяпти. Уларга кенг ошкоралик тусини бериб боришини таъминлаяпмиз.

(Ушбу мақола Адлия вазирлиги шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш бошқармаси бошлиғи А.УСМОНОВ тақдим этган материаллар асосида Вазирнинг матбот хизмати котиби томонидан тайёрланди)

***ТАҲРИРИЯТДАН:** газетамиз саҳифаларида махсус рукн очиб, тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатига, эркин фаолият кўрсатишга тўсқинлик қилаётганларга қарши кўрилган чоралар ҳақида мунтазам равишда жамоатчилик эътиборига ҳавола этиб боришни режалаштирдик.*

Газетамизнинг ҳар бир сонини кузатиб боринг. Табиийки, бундай саҳифамиз ҳар бир тадбиркорни, фермерни қизиқтиради. Алоқаларимиз мустаҳкам бўлиши учун энг қулайи — газетамизга обуна бўлишдир.

Долзарб мавзу

ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ

(Боши 1-бетда)

- Ечим кутаётган қатор муаммолар ҳақида Президентимизнинг юқоридаги ҳақли танқидлари зиммамизга катта масъулият юклади. Эсингизда бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб ўтказган мажлисида, Бухоро вилояти бўйича тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига 51 та ариза тушганлиги, шундан 44 таси тадбиркорлар фойдасига ҳал этилганлиги Юртбошимиз томонидан алоҳида таъкидланган эди.

Баъзан ҳайрон қоласан, ачинасан ҳам, чунки тадбиркорни ёки фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқини айнан тушунган, масъул жойда раҳбар бўлиб ишлаётган давлатимизнинг бу борада олиб бораётган муҳим сиёсатидан хабардор баъзи шахслар бузади. Шунинг учун ҳам Президентимиз "Чидаб бўлмайдиган ҳолат — мансабдорлар томонидан йўл қўйилаётган ўта расмиятчилик, ислоҳотларнинг мақсадини, маъно-мазмунини, моҳиятини тушуниб етмаслигидир", деб бонг урган эдилар ўша мажлисда. Чунки бундан буёғига эскича андозалар билан ишлаб бўлмаслиги, иқтисодиётни эркинлаштириш йўлидаги ҳар қандай тўсиқ қонун йўли билан олиб ташланиши ва айбдор шахслар жазоланиши барчага етиб бориши шарт эди.

Мисолларга мурожаат этсам: бошқармамизга Жондор туман "Т.Ҳотамов" очиқ акциядорлик жамияти ҳудудидаги "Икромобод", "Гулистон" жамоа хўжалигидан "Рўзи" фермер хўжаликлари балансидаги ер майдонлари туман ҳокимлиги томонидан ноқонуний олинганлиги тўғрисида ариза тушди. Аризаларда кўрсатилган важлар жойида ўрганилди. Аниқландики, туман ҳокими (1999 йил 6 ноябр 115-сонли) фармойиш қабул қилиб, унга асосан 14 кишидан иборат комиссия ташкил этилган. Комиссия аъзолари фермер хўжаликларида ердан унумли фойдаланишнинг аҳволи ва пахта тайёрлаш шартномавий режаларини сурункали бажармаслик сабабларини 10 кунлик муддат ичида ўрганиб, ишчи комиссия хулосасини туман ҳокимиятига тақдим этиш кўрсатилган. Улар эса "Икромобод" фермер хўжалигининг 1999 йил пахта ҳосилини режада белгиланган миқдорда бажарганлиги сабабларини ўрганмаганлар.

Жондор туман ҳокими 1999 йил 21 ноябр куни ишчи комиссияси йиғилишини чақириб, йиғилишнинг 11-сонли баённини қабул қилади. Баённда туман ҳудудида фаолият кўрсатаётган 65 та фермер хўжаликларининг узоқ муддатга шартнома асосида ижарага берилган ер майдонлари бекор қилинган. Ваҳоланки, шартномаларни бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддаси 7 хат бошисига асосан бўлиши лозим. (Унда фермер хўжалигини тугатиш тартиблари назарда тутилган). Жондор туман ҳокими юқорида қайд қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунига зид равишда баённома қабул қилган. Шу сабабли ушбу баённомани бекор қилиш мақсадида туман ҳокимига тақдимнома киритдик. Бунга нисбатан туман ҳокими хат билан жавоб берди. Маълум бўлдики, тақдимномада келтирилган важлар қисман ижро қилинган, ишчи комиссияси гуруҳи раиси А.Раҳмонов ва комиссия котиби С.Пирнафасов хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараганни учун интизомий жавобгарликка тортилган, туман ҳокимлигининг девонхона мудири Э.Худойқулов "Икромобод" фермер хўжалигидан тушган ариза ва бошқа шикоятларни рўйхатга олмай қабул қилганлиги учун ҳайфсан берилган. Ва айнан 1999 йил 21 ноябр куни қабул қилинган 11-сонли баённомани бекор қилиш қисмини ижросиз қолдирганлиги сабабли вилоят адлия бошқармаси "Икромобод" ва "Рўзи" фермер хўжалиги бошлиқларининг қонуний манфаатларини кўзлаб, Жондор туман ҳокимлиги, деҳқон ва фермер хўжаликлари ишини мувофиқлаштирувчи туман нуфузли комиссияси раиси А.Раҳмонов ва комиссия котиби С.Пирнафасовга нисбатан 11-сонли баённомани бекор қилиш, 975000 сўм моддий ва маънавий зарарни ундириш мақсадида 2000 йил 26 июн куни даъво аризаси кўзғатиб, мазмунан кўриб чиқиш учун Жондор туман судига юборди. Суднинг

ажримига асосан келишув битими тузилиб, фуқаролик иши ҳаракатдан тугатилди.

Шунга ўхшаш яна бир мисол: бошқармамиз Адлия вазирлигининг хатига асосан (22-06-сонли) Шофиркон туман Боғиафзал жамоа хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Ражаббобо" (Б.Зоиров), "Назиржон" (К.Файзуллаев), "Қўшшабобо" (Ф.Халилов) ва "Ўлжа-Тўхта" (З.Ўлжаев) фермер хўжалиги бошлиқлари туман ҳокимлиги томонидан ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёзган аризаларини жойида атрофлича ўрганди. Туман ҳокимлиги фермерларнинг ерини олиш учун 2000 йил 14 январда 66-сонли қарор қабул қилган. Албатта, ушбу қарор ҳам қонунга зид эди. Шунинг учун Шофиркон туман ҳокими Э.Ҳайдаровга (2000 йил 5 майда) тақдимнома киритдик. Туман ҳокими Боғиафзал жамоа хўжалигининг 9 бригадаси аъзолари 66-сонли қарорни бекор қилишга розилик билдирмади, деган важ билан тақдимномага асоссиз жавоб қайтарди. Тақдимномани уч кун муддат ичида тўлиқ ижро қилиш учун иккинчи марта ёзма кўрсатма бердик. Шунга қарамай, Шофиркон туман ҳокими ушбу кўрсатмани асоссиз важлар билан инкор этди.

Юқоридагиларга асосан вилоят адлия бошқармаси фермер хўжаликлари бошлиқларининг қонуний манфаатларини кўзлаб, Шофиркон туман ҳокимлиги, туман ҳокими Э.Ҳайдаров ва ҳокимнинг биринчи ўринбосари Ё.Эргашевга нисбатан Шофиркон туман ҳокимининг 2000 йил 14 январдаги 66-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиб, бекор қилишни ва фермерларга тегишли бўлган ер майдонларини олиб бериш, бой берилган фойда ҳамда моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида (2000 йил 26 июн) даъво ариза кўзғатиб, мазмунан кўриб чиқиш учун туман судига юборди. Бухоро туман судининг 2000 йил 24 августдаги ажримига кўра ушбу даъво юзасидан даъвогарлар ва жавобгарлар ўзаро келишув битимлари тузганликлари сабабли фуқаролик иши ҳаракатдан тугатилди...

- Узр, Усмон Султонович, барча саволларимни жамлаб, юқорида айтган бўлсам-да, шу ўринда нимадир дегим бор...

- Марҳамат.

- Сиз айтаётган мисоллардан мухбир сифатида хабардорман. Лекин мени ўйлатгани боя сиз эслатган Президентимизнинг: "Чидаб бўлмайдиган ҳолат — мансабдорлар томонидан йўл қўйилаётган ўта расмиятчилик, ислоҳотларнинг мақсадини, маъно-мазмунини, моҳиятини тушуниб етмаслигидир", деган аччиқ, аммо ҳақ гаплари бўлди. Юртбошимиз биз эслаган далилларни (Шофиркон ва Жондор туманлари мисолида) худди олдиндан кўриб-билиб айтганларидек, таассурот қолдиради, кишида. Ахир, мансабдор дегани раҳбар! Раҳбар жуда кўп ишга масъул, жавобгар шахс. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, бир пайтлар машҳур бўлган Шофиркон тумани йил сайин қолоқликка юз бурди. Туман 3 йилдан буён қаторасига пахта тайёрлаш режасини бажаролмаяпти. Бундай ҳолда халқнинг турмушини тасаввур этиш қийин эмас. Ёшлар ўртасида ишсизлар кўпаймоқда, замонавий қўшма корхоналар, янги ишчи ўринлари ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шундай шароитда фермерларга имкон яратиш ўрнига уларга тўсиқ бўлиш, уларни ойлаб сарсон қилиш, аризабозлик, норозилик кайфиятини яратишни қандай тушуниш мумкин? Худди шу ўринда раҳбарнинг кимлиги билинади-да. Тасаввур қиласизми, қаторасига уч йил режа бажарилмайди. Ахир, тақдирини, туриш-турмушини далага, пахтага тиккан элда нима айб? Уларнинг орзу-ўйлари, тирикчилиги, келажак режалари учун масъулликни ким, қайси раҳбар бўйнига олади? Раҳбар дегани мард, тадбиркор, уқувли бўлиши керак-да, йўқса, раҳбарнинг соясига айланиб қолиш ҳеч гапмас. Баъзан Шофиркон ҳақида гап кетса, элда бир ҳазил гап юради. Чунки режани бажариш учун ҳар йили бир фоиз пахта етмайди...

- Мулоҳазаларингиз ўринли, таниқли олимлар (уларнинг сони 200 дан ошгандир), санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар юрти бўлган Шофиркон довруғли пахта усталари билан ҳам машҳур эди. Туманнинг бугунги таҳлилига тўхталиш бу алоҳида мавзу, энди бевосита суҳбатни давом эттирсак. Адлия бошқармамиз Шофиркон туман "Ҳайдаробод" жамоа хўжалиги ҳудудида фаолият кўрсатаётган "Исмоилобод" фермер хўжалиги бошлиғи И.Шодмоновнинг манфаатини кўзлаб жавобгарлар "Ҳайдаробод" жамоа хўжалиги бошқаруви ва бошқарув раиси Ш.Зиёдуллаевга нисбатан асосий восита ҳисобланган узумзорларни фермернинг хусусий мулки деб топиш, ер майдонларини ажратиб бериш, моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида (2000 йил 31 августда) Шофиркон туман судига даъво аризаси киритди. Туман судининг 2000 йил 15 сентябрда "Исмоилобод" фермер хўжалигининг асосий воситаси ҳисобланган узумзорларни фермер хўжалигининг хусусий мулки деб топиш, ер майдонларини ажратиб бериш, 50000 сўм моддий ва 50000 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида қарори қабул қилинди.

Шу ўринда "Ҳайдаробод" жамоа хўжалиги бошқаруви ва бошқарув раиси Ш.Зиёдуллаевга нисбатан" деган жумлани яна 6 марта такрорлашга тўғри келади.Чунки у 7 та ("Холиқобод", "Анваробод", "Самадобод", "Салимобод", "Гулбоғ") фермер хўжалиги бошлиғи манфаатига зид равишда қонун талабларидан чекинган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текширишни режалаштиришда Ўзбекистон Республикаси назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Бухоро вилоят ҳудудий комиссияси томонидан бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Жумладан, "Бухоропарранда" очиқ турдаги акциядорлик жамиятида 1999 йилнинг апрел, май, август ойларида 10 та назорат қилувчи органлар томонидан текшириш ўтказилганига қарамай, 2000 йилнинг январ, апрел, май, июн ойларида (орадан бир молия йили ўтмасдан) 16 та назорат қилувчи органлар томонидан такрорий текширишлар ўтказилган. Ушбу факт юзасидан адлия бошқармаси "Бухоропарранда" очиқ акциядорлик жамияти ва жамият раиси У.Қобиловнинг манфаатини кўзлаб вилоят ҳокимлиги ва вилоят ҳокими ўринбосари, Назорат инспекциясининг собиқ раҳбари Р.Султоновга нисбатан бой берилган фойда, моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво аризасини мазмунан кўриб чиқиш учун Ф.Хўжаев туман судига юборди. Ҳозирда ушбу даъво аризаси юзасидан суд жараёни бошланиш арафасида.

Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳимоя қилиш борасида бошқарма ҳузурида очиқ эшиклар куни ҳафтанинг ҳар шанба куни соат 8 дан кеч соат 22 гача давом этади. Унда "Турон" фермер хўжалиги бошлиғи И.Ражабовнинг ҳуқуқлари "Бухороёғэкстрация заводи" очиқ акциядорлик жамияти томонидан бузилганлиги ҳақида ариза тушди. Аризада қайд қилинган ҳолатлар жойида ўрганилганида ўз тасдиғини топди ва бу тўғрида ариза муаллифига жавоб йўлладик. Келтирилган важлар бўйича камчиликларни бартараф этиш мақсадида "Бухороёғэкстрация заводи" очиқ ҳиссадорлик жамияти маъмуриятига тақдимнома киритилди. Аммо тақдимнома жамият бошқаруви томонидан ижро қилинмаганлиги сабабли маъмурият ва собиқ тақсимот бўлими бошлиғи О.Акрамовга нисбатан шартнома мажбуриятларини бажариш, 369600 сўм моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида даъво аризаси қўзғатиб, Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман судига мазмунан кўриб чиқиш учун юборилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан "Турон" фермер хўжалигига "Бухороёғэкстрация заводи" жамияти томонидан 9,8 тонна шрот, 15,8 тонна шелуха бериш мажбурияти юкланди ва фермер хўжалиги раҳбари фойдасига О.Акромовдан 17.500 сўм маънавий зарар ундириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Бошқармамизга шу кунгача 103 та ариза ва шикоят тушди, шулардан 7 таси Адлия вазирлиги томонидан 2 таси вилоят ҳокимлигидан, 93 таси тўғридан-тўғри бошқармага, 1 таси "Қонун ҳимоясида" журнали таҳририятидан келди. 57 та ариза ва шикоят қаноатлантирилди, 5 таси қисман қаноатлантирилди, 19 тасига ҳуқуқий тушунчалар берилди, 5 таси рад этилди, 9 таси бошқа идораларга юборилди.

Хуллас, жамики ҳаракатларимиз тадбиркорлар манфаатига йўналтирилган. Жамият тараққиёти — фаровон турмуши учун меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро ҳуқуқий хизматимиздан тўла фойдаланишга ҳақлидир. Бу борадаги ишларимиз кенг кўламда давом эттирилаяпти.

Суҳбатдош: Ражаббой РАУПОВ, "Инсон ва қонун" мухбири

Афсус!

ЎЗ ФОЙДАСИНИ КЎЗЛАГАНЛАР

Далаларда пахта йиғим-терими авж палласида. Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг муҳим стратегик омилларидан бири саналган пахта хом ашёсини юқори навларда йиғиштириб олишда катта—кичик улуш қўшмоқда.

Афсуски, деҳқоннинг машаққатли меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилни айрим нопок шахслар ўзларининг фойдаларини ўйлаб, пайҳон қилмоқдалар. Пахтазорларда қорамол ва қўй-эчкиларини боқмоқдалар. Ҳали очилмаган пахта кўсагини териб олиб, молларга едиришаяпти.

Каттақўрғон туманидаги "Ғалаба" жамоа хўжалигининг Чўянчи қишлоғида яшовчи фуқаро Илҳом Мўминовнинг пахта пайкалидан терган бегона ўтлар текширилганда ўтлар ичидан икки ярим килограмм териб олинган кўсак чиққан. Улуғбек номли ширкат хўжалигининг 8-бригадаси пахта майдонида фуқаролар Абдумалик Фармонов ва Рауф Фармоновларнинг тўрт бош қорамоли кўсак еб юрган пайти милиция участка нозири томонидан ушланган ва ҳужжатлаштирилган.

Туман суди ушбу ҳолатлар бўйича тўпланган маъмурий материалларни кўриб чиқиб, ҳуқуқбузарлар И.Мўминов, А.Фармонов, Р.Фармоновларга нисбатан улар томонидан хўжаликларга етказилган моддий зарарни қоплаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 104-моддаси тартибида жарима жазоларини қўллади.

Йўлдош СУЮНОВ, Каттақўрғон туман судининг раиси.

Мулоҳаза, мушоҳада, муаммо

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Иштихон тумани ҳокими Ҳ.Ҳақназаровга "Деҳқон хўжалиги тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида" қабул қилинган қонунлар ижроси юзасидан мақола ёзиш ниятимни айтдим.

- Яхши, - деди Ҳасан Абдуназарович, - Навоий номли деҳқон-фермер хўжаликлари кооперативининг ишлари билан танишишингизни тавсия қиламан. Ўрганишга, ёритишга арзийди.

Идора биноси пештоқида "Фалон ширкат хўжалиги" ёки "Фалончи Фалончиев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси" ёзувини ўқиб, иши билан танишсангиз ўши хўжаликда тўрт-бешта ижарачи фермер, нари борса уч-тўртта мустақил фермер фаолият кўрсатаётгани, бошқалар эса эски ҳаммом, эски тос тарзида ишлаётганини кўриб, энсангиз қотади. Бундай ҳолда ўша хўжаликдаги фермерларга ривожланиш, мулкдорлик ошиши учун қачон силлиқ ва равон йўл ҳосил бўлади? Бригада бошлиғи, ҳисобчи ва йигирма-ўттизтача фақат столларда ўтириб маош оладиганлар деҳқоннинг нонига шерик бўлгач, ислоҳот кўлами қачон, қандай кенгаяди? Саволлар кўп. Ана шундай номи янгича-ю, иши эскича хўжаликларни учратганингда Али янги либос кийган билан барибир Али, ҳеч қачон Вали бўлиб қолмайди, деган мулоҳазага борасан.

Биз бу гал мақола тайёрлашга Иштихонни бежиз танламадик. Туманда мавжуд экин майдонларининг учдан бир қисми фермерларга берилган. Туман прокурори Илич Холбеков ҳар ҳафтанинг сешанба куни ҳокимлик биносида тадбиркорларни қабул қилади. Қабул чоғида туман ҳокимининг ўринбосарлари, мутахассислари иштирок этишади. Фермерликка ҳужжат тайёрлашдан тортиб ҳар қандай муаммо ечимигача бу ерда жавоб топиб берилади. Туман прокуроринг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий кўмак бериш борасидаги саъй-ҳаракати алоҳида бир мавзу...

Навоий номли жамоа хўжалиги 1998 йил охиригача беш йил давомида узлуксиз пахта тайёрлаш шартномавий режаларини бажармаган. Ҳаражатлар салмоғи тоғдек уюлиб, хўжалик "кекирдаги"гача қарзга ботган. Туман ҳокимининг умумиқтисодий ишлар бўйича ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, агросаноат комплекси ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитаси раиси вазифаларида ишлаб келган Мамат Худойқулов мазкур қолоқ хўжаликнинг бошқарув раислигига тавсия қилинди. Бу ўтган йилнинг феврал ойида эди. Хўжалик аъзолари умумий йиғилишида бошқарувнинг янги раисини яхши қабул қилишди.

- Ишни хўжалик иқтисодини ўрганишдан бошладим, - дейди М. Худойқулов. – Экин майдонининг эллик фоизидан зиёдроғи фермерлар қўлида экан. Фермерлар ажралиб чиқавериб, қарзлари хўжалик бўйнида қолаверган. Хўжалик аъзоларини йиғиб "Ер тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунларни тушунтирдик. Фермер бўламан деганлар кўпайди. Шу йилнинг ўзида фермерлар 69 тага етди. Кейин деҳқон хўжаликлари туздик. Жамоа хўжалигига бутунлай барҳам бериб "Деҳқон-фермер хўжаликлари кооперативи" дея Уставга киритдик. Бир йил ичида одамлар фермерлик фойдалироқ эканлигини тўла англаб етишди. Бизда ҳозир фермер хўжаликлари сони 134 тани ташкил қиляпти.

Ҳақиқатан, кооперативда бир йил ичида фермер хўжаликлар сонининг қарийб икки баравар ошиши бекорга-мас. Негаки, фермерлик хусусий мулкчилика асосланган. Кооператив бошқаруви билан камида ўн йил муддатга ижара шартномаси тузиб, ер олиш, мустақил ишлаш, фермерлик қилиб, келгусида мулкдор бўлишга имкон яратилса ким четда қараб туради?

Хўжалик кооперативга айлангач, жуда кўп штатлар барҳам топди. Фақатгина беш киши: кооператив бошқарув раиси, бош ҳисобчи, бош ҳосилот, иқтисодчи ва муҳандис қолди. Пишиқ ғиштдан замонавий типда қурилган икки қаватли идора биносига зарурат йўқ. Шу сабаб кооператив бошқаруви техник паркидаги битта хонага кўчиб ўтиб, бинони қишлоқ-врачлик амбулаториясига берди. Ҳозир техника парки ёнида ихчамгина бир хонали идора биноси қуриляпти. Кооператив бошқаруви уруғ, ўғит, ёқилғи, техника таъминотини ўз зиммасига олган. Фермер юқоридаги ташвишлардан холи, югурмайди. Ишлашга вақти кўп. Уларнинг айримларига мутахассисларнинг амалий ёрдами керак. Фермер хўжаликлари даромадининг уч фоизи эса кооператив бошқаруви ҳисобига тушади.

Пахта билан ғаллага давлат буюртмаси берилади. Ҳар бир фермер хўжалиги етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотиш учун истаган жой билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ кооператив бошқаруви томонидан чекланмайди. Қолаверса, чеклашга ҳожат ҳам йўқ. Фаолият кўрсатаётган фермер-хўжаликларнинг ҳар бири юридик шахс ҳуқуқига эга. Банкда уларнинг алоҳида жорий ҳисоблари очилган. 2000 йил учун ҳудуддаги фермер хўжаликларининг III таси кооператив бошқаруви билан пахта ва ғалла тайёрлаб бериш бўйича шартнома тузишган. 23 таси эса давлат буюртмаси бўйича бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартнома имзолашган. Кўпчиликка, айниқса, мутахассисларга маълумки пилла, сабзавот, полиз ва чорва маҳсулотларига давлат буюртмаси берилмайди. Шундай экан, кооператив атрофида уюшган фермерлар юқоридаги маҳсулотларни реализация қилиш шартномасини истаган корхона ёки ташкилот билан тузганлар. Бу шубҳасиз, фермерга берилган имтиёз, ҳуқуқий эркинлик. Қолаверса тадбиркорда ерга хўжайинлик туйғуси ҳис этиш имконияти, мустақиллик шарофати.

Умуман, дала ишларида, қишлоқ хўжалигида



техникасиз фаолият юритишнинг ўзи мумкин эмас. Техника паркининг банкда жорий ҳисоби очилган. У фермерларга техник сервис хизмати кўрсатиш кооперативига айлантирилган. Фермер хўжаликлари умумий йиғилиши чақирилиб, тадбиркор деҳқонлар техник хизматдан улуш сифатида фойдаланиши белгилаб олинган. Ерга механизация воситасида хизмат кўрсатишнинг нархномаси ишлаб чиқилган. Иштихон МТПси билан кооператив бошқаруви ғалла ўриш, техника эҳтиёт қисмлари етказиб бериш юзасидан шартнома тузган.

Ишнинг бундай ташкил этилиши натижасида ўтган йили кооперативда жамоа хўжалиги даврининг бир йилига нисбатан биргина ёқилғининг ўзидан 139 тонна иқтисод қилинган. Бу уч миллион сўм тежалди, дегани. Эндиликда жамоа хўжалиги давридагидек ортиқча чиқимга йўл қўйилмайди. Фермернинг қўлида тарози: ўғитни ҳам, уруғни ҳам ўлчаб олади. Ортиқча ҳаражат фермернинг чўнтагига зарар. Ахир, мулк хусусийликка асослангач, ким зарар кўришни истайди?

Кооперативга айланган биринчи йилнинг ўзида тадбиркорлар йиллар давомидаги қолоқлик доғини ювишди. 1870 тонна ўрнига 1914 тонна пахта тайёрланди. Бу йил давлатга 961 тонна ўрнига 985 тонна ғалла сотилди. Фермерлар қўлида 210 тонна ғалла қолди. Ҳозир кооператив далаларини айлансангиз шартномавий режани қоплайдиган даражада ҳосил бунёд этилгани, пахта йиғим-терими қизғин кетаётганига амин бўласиз. Кооператив бошқаруви аъзолари эса ташкилотчилик ишлари билан банд.

"Нурли Оғиё" фермер хўжалиги бошлиғи Ш. Жиянов билан суҳбатлашдик.

14 гектар еримиз бор, гаданинг ҳар бир аъзосига 7 килограммдан ғалла текканди. Энди эсласам ҳам ҳам кулгим келади, ҳам жаҳлим чиқади. Юрган эканмиз-да. Бу йил ҳар гектар майдондан 57 центнердан ғалла ҳосили олдик. Шартномадагини топшириб яна фермер хўжалигимизда 18 тонна ғалла қоляпти. Бу ҳар бир аъзомизга ўртача бир тоннадан тўғри келяпти.

Бу ердагилар Ширинбой Жияновни 66-ўрта мактабга 27 минг сўмлик ёрдам кўрсатгани, қабристон йўлига шағал ётқиздиргани, меҳнатга лаёқатсиз беш фуқарога хайрия мақсадида ғалла бергани ҳақида гапиришди. Пахта тайёрлаш шартномавий режаси эса, аллақачон адо этилган. Йил якуни билан транспорт харажатлари чиқариб ташланса фермернинг банкдаги жорий ҳисобида пахтанинг ўзидан бир миллион сўмдан зиёдроқ пули бўларкан. Ғалладан бўшаган майдонга экилган оралиқ экинлардан ҳали фермер хўжалиги аъзолари яна қанчадан-қанча даромад олишади.

- "Инсон ва қонун"даннмисизлар,- суҳбатимизга қўшилди ўзини Муродқобил Мирзақобилов деб таништирган "Жамшид" фермер хўжалиги бошлиғи. – Менинг айтадиган гапларим бор. Кооператив бўйича ҳам, фермер хўжаликлари орасида ҳам шартномавий режаларнинг бажарилишига умуман гап йўқ. Жамоа хўжалиги даврида айрим одамларимиз дангаса бўлиб кетган экан. Энди бўйни ишга ёр бермай, фермернинг устидан ёзиб, текшир-текшир билан кўп вақтини оляпти. Ёзганлари тасдиқланмаса уларга чора кўриб, жиловини тортиб қўйишса бўлмайдими? Менинг ўзимни бир йилда беш марта ёзишди. Биринчи, иккинчи текширувчининг тузган далолатномаларига ишонмай, кейинги келганларнинг ҳаммаси бошқатдан чиғириқдан ўтказишди. Бундан ташқари банкларга пулни мақсадли келаётгани биз фермерларга муаммолар туғдиряпти..

Ҳа, банк, пул муаммолари фермер М.Мирзақобилов айтганидек бор нарса. Бу муаммоларни тезроқ ҳал этиш учун шу соҳа ходимлари изланишаётгандир. Кооперативдаги муаммолар устида эса бошқарув раиси М.Худойқулов бош қотиряпти. Ҳудудда тўққиз мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Йиллар давомида бу ерга табиий газ келтирилмаган. Яқинда кооператив бошқарувининг саъй-ҳаракати билан икки ярим километр масофага газ қувури тортилди. Ана шу ишларга тўрт миллион сўм сарфланди. Унинг уч миллион сўми давлат бюджетидан, бир миллион сўми фермерлар улуши. Кооперитив фаоллари келгусида ўзларининг бундай муаммоларини бирин-кетин баҳамжиҳатликда ҳал қилишни режалаштириб олишган.

Шу йилнинг март ойида Самарқанд шаҳрида, аниқроғи, қишлоқ хўжалиги олийгоҳида вилоятдаги барча хўжаликлар раҳбарлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари бошлиқлари, туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалигига мутасадди ўринбосарларининг ҳафталик ўқув-семинари ўтказилганди. Ўқув семинарида Мамат ака Худойқулов кооперативнинг қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда энг қулай, самарали усул эканлигини далиллар асосида гапирганди. Иш тажрибаларини ўртоқлашиб, келиб ўрганиб кетишга таклиф этганди. Начора, тошни сувга отганда ботиб кетганидек таклиф минбарда қолди. Келиб ўрганадиганлар чиқмади.

Одамларнинг ўзида хоҳиш, истак бўлмаса зўрлаб ўргатиш бефойда. Бироқ, биз ушбу битта мақолада кооператив фаолиятининг айрим жиҳатларинигина оз бўлсада ёритишга интилдик. Аммо иқтисодчи олимларимизга эътироз бор. Ислоҳотнинг олдинги сафида бораётган дарғалар, жонкуярлар иш тажрибалари қўлланмалар қилишга, тадбиркорлар орасида оммалаштиришга лойиқ. Муҳтарам Президентимизнинг "Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин!" деган пурмаъно сўзлари гўё шунга даъват этаётгандек.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ
"Инсон ва қонун" мухбири

Суратда: деҳқон-фермер хўжалиги кооперативи бошқаруви раиси М. Худойқулов.

Очиқ турдаги Гулистон шаҳар деҳқон бозори ҳиссадорлик жамиятида кейинги йилларда кўплаб савдо нуқталари очилди. Бундан харидорлар ҳам, сотувчилар ҳам беҳад мамнун. Ҳозир бу ерда янги имкониятлар қидириб топилаяпти. Якка тартибда иш олиб бораётган тадбиркорлар билан ишлаш янада яхши йўлга қўйилган.

Суратда: (чапдан иккинчи) жамият раиси Турғунбой Йўлдошев бир гуруҳ тадбиркорлар билан ўзаро мулоқотда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

Огоҳлик ва яна огоҳлик!

ЭЛГА ТИНЧЛИК

юртга посбон керак, биз эса посбонмиз, халқ биздан номимизга муносиб ишлаш — осойишталикни қўриқлашни талаб қилишга ҳақлидир, - дейди Вобкент туман Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Самандар ШАРИПОВ

- Самандар Шарипович, маълумки, огоҳликка даъват, бу шунчаки сўз ёки мавсумий шиор эмас. Бундан анча илгари Президентимиз Ислом Каримов: "Тинчлигимизни, келажак авлодларимизни, оиламизнинг тинчлигини ҳимоялашимиз керак. Ҳимоя дегани, аввало, огоҳ бўлиш дегани", деб жуда олисни кўзлаб, ҳаммамизни ҳушёрликка чақирган эдилар. Демак, вазифа аниқ, шундай эмасми?

- Ҳа, жамики ишларимизни Юртбошимизнинг юқоридаги даъватлари асосига йўналтирганмиз. Тартиб, тадбир ва режаларимизни айтишдан олдин мен мавжуд ҳолат таҳлилига қисқача тўхталсам.

- Марҳамат.

- Ўзбекистонда рўй бераётган улкан ўзгаришларни кўриб, кузатиб шундай хулосага келиш мумкинки, мамлакатимизнинг қисқа фурсатда қад ростлаши, ўз овози, бўй-басти билан жаҳонга чиқиши кўпларга ёқмади. Тўғрисини айттанда, улар (мухолифат деймизми ёки раҳбарликка, етакчиликка ҳавасманд даъвогарлар деймизми, куч-қудратга тўлиб бораётган ватанимизнинг салоҳиятини сезмай, янгидан юрт тузишга уринаётган ватанфурушлар деймизми), кутган кун тунга айланди — режалари, хомхаёллари амалга ошмади. Чунки юртнинг — Ўзбекистоннинг эгаси бор эди, тинчлик, осойишталикни, ҳалол меҳнатни ҳеч нарсага алмашмайдиган танти халқ, эртамизга ишонч бор эди. Шунинг учун ҳам осойишталигимизга раҳна солиб, ёвуз ниятларини амалга ошириш учун ҳудудимизга суқулиб киришга уринган тўдалар қисқа фурсатда фош бўлди. Улар бир эмас, бир неча бор уринсалар-да, аммо адолат, қонун, халқимиз хоҳиш иродасига дош беролмадилар — чилпарчин бўлдилар.

Ёвуз тўдаларнинг ёвуз ниятлари турлича эди. Республикамиздаги барқарор вазиятни издан чиқариш мақсадида "Хизбут-таҳрир", "Ҳизбуллоҳ", "Ваҳобий" каби диний оқимлар таъсирини ёйишга, ёшларимизни чалғитишга уринаётганлар ҳам йўқ эмас. Диний экстремизм, ақидапарастлик, қўпорувчиликни тарғиб қилувчи шахсларни аниқлаш ва қонуний қарор қабул қилиш борасида туман ИИБ ходимлари зарур тадбирларни амалга ошираяптилар.

Маълумки, Республикамиз Президентининг 2000 йил 6 сентябрда "Террорчи гуруҳлар таркибига кириб қолган Ўзбекистон фуқароларининг жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилингач, унинг ижросини таъминлаш юзасидан тумандаги барча ташкилот, корхона, қишлоқлар ва ўқув масканларига профилактик-тушунтирув ишлари олиб борилмоқда. ИИБда "Антитеррор" ва "Огоҳликка даъват" тадбирлари бўйича махсус режа ишлаб чиқилди ва ушбу режа асосида ҳар бир ходим ҳамда жамоатчилик фаолияти мувофиқлаштирилди. Тасдиқланган режага кўра ходимларимиздан 8 та ишчи гуруҳлари тузилиб, барчасига хизмат бошлиқлари раҳбар этиб тайинланди. Уларга туман ИИБ ходимларидан 45 нафар ва 19 та маҳалла посбонлари жалб этилган.

Яшаш жойидан чиқиб кетган шахслар бўйича фаол иш олиб борилди: 2 нафар фуқаро — "Зарафшон" жамоа хўжалигида яшаган, 1967 йилда туғилган Райимов Нодиржон ва Х.Камолов номидаги жамоа хўжалигида яшаган, 1968 йилда туғилган Тошев Фозил рўйхатга олинди. Улар бўйича тезкор ҳаракат ва суриштирув ишлари ўтказилгач, Нодиржон Райимов Сурия Араб Республикасида ўқиётганлиги аниқланди, бу тўғрида маълумотнома олинди. Фозил Тошев эса Тошкент шаҳрида ёлланиб ишлаб юргани аниқланди. Булардан ташқари доимий яшаш жойидан бошқа вилоят ва республикамиз ташқарисига ишлаш, тижорат, доимий яшашга кетган 7 нафар шахс рўйхатга олинди, суриштирув жараёнида 3 тасининг қаердалиги аниқланди. Қолган 4 нафарини аниқлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Доимий яшаш жойидан бошқа вилоят ва республикамиз ташқарисига ишга, тижоратга кетган, лекин яшаш жойи аниқ бўлган 110 нафар шахс рўйхатга олинди. Шулардан 38 таси Россия Федерациясида, 72 таси Тошкент шаҳридалиги аниқланди. Булар бўйича умумий йиғма жилдлар очилиб, фаолиятлари назорат қилинмоқда.

Туманда Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларидан келиб, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидасини бузган 9 нафар шахслар аниқланди. Булар: Тожикистон Республикасидан келган Муродулло Ҳайитов, Жўрабек Камолов, Доғистоннинг Хайми қишлоғида туғилган Ж.Курбонова, И.Курбонов, туркманистонлик М.Дурдиева, Грузиянинг Бело қишлоғидан келган Надар Габулдани, бакулик Р.Абдуллаев, Россия Федерацияси фуқаролари В.Шамарин ҳамда М.Нальчиковдир. Ушбу "меҳмон"ларнинг кўпчилигида ҳужжат йўқ, мамлакатимиз ҳудудига кириш учун рухсатномалари ҳам йўқ. Уларга нисбатан МЖТКнинг 225-моддаси 1-қисмига асосан маъмурий баённома тузилди, жаримага тортилиб, туманимиз ҳудудидан чиқариб юборилди. Ва уларни рўйхатдан ўтказмай уйларида яшаттиргани учун уй эгалари жаримага тортилди.

- Энди "Антитеррор" тадбири ҳақида гаплашсак.

- Туман ҳокимлиги ҳузурида "Антитеррор" штаби тузилган, штаб раҳбари туман ҳокими М.Эсонов. Унинг 1-ўринбосари милиция майори Ҳ.Чориев хизматни назорат қилиб бормоқда. Ҳафтанинг шанба куни туманда ташкил этилган мувофиқлаштирувчи штаб аъзоларининг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилади, бажарилган ва режалаштирилаётган ишлар ҳақида ҳисобот тингланади. Бундан ташқари барча жамоа хўжаликлари маҳаллий радиосидан диний экстремизм, террорчилик ва қўпорувчилик ҳаракатларининг олдини олиш, уларга қарши курашиш "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!" шиорининг моҳияти тушунтирилаяпти.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда (12-14 сентябр) туманда "Антитеррор" тадбири бўйича бажарилган ишлар назорати бўйича текширувлар ўтказилди. "Огоҳликка даъват" мавзусида 6 та маҳалла фуқаролар йиғини, 4 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 2 та мактаб ва лицей, туман ип йигирув ва тўқув фабрикасига, туман марказидаги аёлларни соғломлаштириш масканига бориб учрашувлар, тушунтириш ишлари олиб борилди. Ишларимизнинг якуни бўйича (16 сентябр) туман ҳокимлиги биносида йиғилиш ўтказилди. Текширув давомида йўл қўйилган камчиликларни тезда тузатиш ва янги чора-тадбирлар қўллаш бўйича қарорлар қабул қилинди.

Туманимиздаги барча ташкилот, корхона, ўқув масканлари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларига кенг тушунтириш ишлари ва профилактик суҳбатлар ҳозирги кунда ҳам давом этяпти.

Суҳбатдош: Р. АШУРОВ,

ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартномалар ҳар қандай мулк шаклидаги корхоналар, тадбиркорларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларида асосий ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун шартномавийликка муносабатимизни тубдан ўзгартиришимиз лозим. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: "Шартнома тузиш маданиятини, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак".

Хўжалик шартномалари аҳамиятини оширишда 1998 йил 29 августда Олий Мажлиснинг Биринчи чақириқ XII сессиясида қабул қилинган ва 1998 йил 1 ноябрдан амалга киритилган "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун муҳим омил бўлди. Мазкур қонун билан хўжалик шартномаларини тузиш ва бажариш чоғида ҳуқуқий ёрдам кўрсатадилар, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида хўжалик шартномаларининг бажарилиш жараёнини назорат қиладилар", деб кўрсатилган.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида"ги 177-сон қарорида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органларига шартномалар бўйича мажбуриятлар бузилган тақдирда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш, тақдимномалар киритиш, адвокатлик бюролари, ҳайъатлари ва фирмаларининг мутахассисларини жалб қилган ҳолда хўжалик шартномаларини, шу жумладан, контрактация шартномаларини тузиш ва уларни бажариш масалалари юзасидан раҳбарларни, ходимларни ўқитиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи семинарларни мунтазам ўтказиш, хўжалик юритувчи субъектларнинг вакиллари учун юридик маслаҳатлар беришни ўз амалиётига киритиш белгиланган. Бу борада Тошкент вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Вилоятимиз ҳудудида 13.669 та корхона, ташкилот, хўжаликлар, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи 15 та туман ҳудудида 103 та ширкат, 3.772 та фермер, 25.037 та деҳқон хўжаликлари ташкил этилган. Адлия бошқармасининг масъул ходимлари, вилоятнинг шаҳар, туман судлари, нотариал идоралари ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ходимлари шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни амалга оширишда ушбу хўжаликларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш учун бириктирилган. Хусусан, Адлия вазирлиги ҳамда вилоят адлия бошқармаси ходимларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг август ойида вилоятнинг Қибрай туманидаги "Байтқўрғон", "Қибрай", "Истиқлол" ширкат хўжаликларида, Пискент туманидаги "Охунбобоев" ширкат хўжалиги, "Тоштемир Акбаров" фермер хўжалигида, Ўртачирчиқ туманидаги "Ҳақиқат йўли" очиқ акциядорлик жамиятида, "Гулистон", "Қорасув" ширкат хўжаликларида, "Қурол ота" фермер хўжалигида, Бўка туманидаги "Навоий", "Ачамайли", "Ҳожиматов" ширкат хўжаликларида, "Мурувват", "Абдужаббор ота" фермер хўжаликларида хўжалик шартномаларининг, шу жумладан, ижара, оила пудрати шартномаларининг тузилиши ва ижроси ўрганиб чиқилиб, таҳлил қилинди.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари томонидан шу йил сентябр ойи давомида 53 та ширкат хўжалигида шартномавий муносабатлар ўрганилиб, уларда мавжуд бўлган жами 6.245.349.493 сўмлик 1.232 та ташқи ва 20.051.644 сўмлик 625 та ижара шартномалари ўрганиб чиқилди, бир қатор шартномаларни тузишда бошқармамиз ходимлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўрганиш давомида нотўғри тузилган жами 36.210.123 сўмлик 219 та шартномалар аниқланиб, уларнинг ҳаммаси қайта тузиларилди. Ўртачирчиқ туманидаги "Гулистон" ширкат хўжалигининг шу тумандаги машина-трактор парки билан 8.900.000 сўмлик техника хизмати кўрсатиш тўғрисида, Оққўрғон туманидаги "Қонқа" ширкат хўжалигининг "Қувват" фирмаси билан 112.000 сўмлик эҳтиёт қисмлари харид қилиш тўғрисида тузган шартномалари бунга мисол бўла олади.

Ўз муддатларида бажарилмаган ёки талаблари бузилган шартномалар (жами 2.708.836 сўмлик) 10 тани ташкил этган бўлиб, улар бўйича адлия ходимлари ёрдамида 10 та даъво ариза судларга киритилди. Бу даъво аризалардан (жами 1.129.548 сўмлик) 6 та шартнома туман судлари томонидан кўрилиб, қаноатлантирилди.

Бундан ташқари хўжаликларда тузилган шартномаларнинг мажбуриятлари ўз муддатида бажарилмагани тўғрисида ҳам тегишли тартибда тақдимномалар киритилди. Масалан, 2000 йил сентябр ойида Чиноз тумани "Дўстлик" ширкат хўжалиги бошқаруви номига 17 та оила пудрати шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилмагани юзасидан тақдимнома киритилди.

Шартномаларни тузишда фермерлар, пудратчилар ва ижарачилар ҳуқуқлари чекланишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ички хўжалик шартномалари мониторингини юритиш тартибини амалга ошириш мақсадида адлия бошқармаси ходимлари томонидан туман ҳокимликларида, хўжаликларда 102 соатли ўқув машғулотлари ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Бундай тадбирларни мунтазам равишда олиб бориш жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, жумладан, шартномавий-ҳуқуқий маданиятни юқори поғонага кўтариш йўлида самарали натижалар бериши муқаррардир.

Дилшод ТОЖИБОЕВ,
Тошкент вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,
ТошДЮИ тадқиқотчиси

Хушхабармисан — хушхабар!

ҲАҚНИНГ ҲИМОЯЧИСИ



Таҳририятимизга хушхабар келди: Шофиркон туманидаги Шофиркон жамоа хўжалигининг илғор, тажрибали бригада бошлиғи — "Ҳаёт ва қонун", "Инсон ва қонун"нинг ашаддий мухлиси Юнус Шукуров Бухоро вилоятида биринчилардан бўлиб пахта сотиш шартномавий режасини бажарибди. Ва бугунда бригада аъзолари режани 112 фоизга, ҳосилдорликни 40 центнерга етказганларини байрам қилишаётган экан. Ушбу хабардан огоҳ бўлган мухбиримиз дарҳол Юнус бригадни саволга тутибди:

- Хўш, режа ортиғи билан бажарилди, кайфият аъло, шунга яраша даромад ҳам чаккимасдир? Сир бўлмаса айтинг-чи, бунча пулни нималарга сарфламоқчисизлар?

- Э, мухбир ука, пулнинг бори яхши, - деб жавоб берибди бригадир. - Пул ҳам қўл, ҳам қанот, дейдилар. Мен бунга қўшимча қилиб айтаманки, пул — бу кўз дегани. Пули борнинг кўзи узоқни кўради. Шунинг учун биз маслаҳатлашиб, аъзоларимиздан 10 кишини "Инсон ва қонун" газетасига, бештасини "Ҳаёт ва қонун" журналига обуна қилдик. Ана энди биз билан тортишиб кўришсин-чи! Ахир, қонунни билган киши қоқилмайди, ҳамиша ғолиб бўлиб, гердайиб юради-да! Дунёда ҳақнинг ҳимоячисини таниш ва унга яқин юришда гап кўп. Авлиёлар яқинни, Оллоҳ ҳақни қўллайди, деб бежиз айтишмайди-ку!..

Азиз мухлисимиз Юнусжон! Биз Сизни, уста пахтакор, ажойиб тадбиркор инсонни, жамики пахтакорларни чин ғалаба билан қутлаймиз. Аъзоларингизни газетамизга ёздириб жуда тўғри қилибсиз. Чунки бугунги раҳбар — бригадир, тадбиркор, ишбилармон қайси газетани ўқишни яхши билишади.

Қувончингизга шерикмиз, Сиздек уста пахтакор туфайли газета-журналимиз Бухоро вилоятига, қолаверса, олимлар макони бўлмиш Шофирконга юзлаб нусхада етиб борса, ажабмаски, келажакда туманингиздан ҳуқуқ соҳасида ҳам зўр олимлар, қилни қирқ ёрадиган ҳуқуқшунослар кўплаб етишиб чиқса.

Суратда: шофирконлик илғор бригада бошлиғи Юнус Шукуров.

Обуна-2001

Бўлай десанг ҳар доим мамнун, Ҳамроҳ бўлсин "Инсон ва қонун"!

Муҳтарам муштарий!

Ҳар қадамингизда қонунга, ҳуқуқий муаммога дуч келганингизда Сизга яқин ёрдамчи, маслаҳатчи ва таянч бўладиган республикамизда ягона — ҳуқуқий, ижтимоий-оммабоп газета "Инсон ва қонун"дир. Унга шу йил 1 октябрдан бошлаб барча алоқа бўлимлари ва шахобчаларида обуна бошланди. Кеч қолманг! Газетамиз уйингизга, иш жойингизга кириб боришига нима етсин!

Нашр кўрсаткичи:
Якка обуначилар учун 137
Ташкилотлар учун 138

ҲАЁТда ҚОНУН ҳимоя бўлсин десангиз:

Ҳуқуқий онг ва маданиятингиз шаклланишида энг яқин дўстингиз "Ҳаёт ва қонун" юридик журналига 2001 йил учун обуна бўлинг!

"Ҳаёт ва қонун" ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Нашр кўрсаткичи:
Якка обуначилар учун - 902,
Ташкилотлар учун - 903.

- Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда "Инсон ва қонун" газетаси ҳар доим ҳамроҳимиз. Биз газета саҳифаларида қизиқарли ва сермазмун мақолаларни мароқ билан ўқиб, дунёқарашимизни бойитиб бораяпмиз. Бу галги обунада ҳам жамоамиз фаол, - дейди биз билан суҳбатда Сирдарё вилояти "Сирдарё" ДАН маскани бошлиғи Эгамберди Ўсаров.

Суратда: (чапдан) "Сирдарё" ДАН маскани ходимларидан Ш.Эрматов, А.Алимов, Р.Ҳасанов, И.Мирзаев, Ж.Салимовлар газетанинг янги сони билан танишмоқдалар.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат

ХАЗИНАНИ ТЎЛДИРИБ

Мамлакатимизни бойитишда, давлатимиз хазинасини тўлдиришда солиқчиларнинг ҳам катта улуши бор. Улар корхона ҳамда ташкилотлар, юридик, жисмоний шахсларнинг солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида амалга оширишини мунтазам назорат қилиб борадилар.

Бизнинг туманимиз солиқчилари ҳам ўзларининг зиммаларига юкланган вазифаларни аъло даражада уддалаб келишмоқда. Жорий йилнинг ўтган ойлари режаси 107.6 фоизга уддаланди. Давлат хазинасига режадаги 369034,9 минг сўм ўрнига 379094,8 минг сўм маблағ туширилди.

Туман бўйича етти ой давомида 793 та тадбиркор солиқ тўловчи жисмоний шахс сифатида рўйхатга олинган ва ҳозирда уларнинг 713 таси ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Улардан шу кунгача 17260,6 минг сўм патент тўлови бюджетга ундириб олинди. Жорий йилнинг етти ойи мобайнида ўтказилган режали текширувлар натижасида 48 та корхонада солиқ қонунчилиги бузилганлиги аниқланди. Бу қонунбузарликларга йўл қўйган 68 та мансабдор шахсларга 761,3 минг сўм жарима солинди.

Шуниси ачинарлики, баъзан жисмоний шахслар томонидан ҳам қонунбузилишларга йўл қўйилмоқда. Айримлар патентсиз савдо қилишни яхши кўради, айримлар даромадининг бир қисмини солиқдан яширмоқчи бўлади. Солиқчиларимиз текшируви натижасида 162 та қоидабузарлик аниқланди, 107 фуқаро 619,7 минг сўм жарима тўлайдиган бўлди.

Солиқчиларимиз томонидан Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 ноябрда "Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар ҳисобидан ундириб олиш тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

2000 йилнинг етти ойи давомида 164 та қарздор корхона ва ташкилотлар борлиги ва улар давлатдан 130,6 миллион сўм қарздор эканлиги аниқланди. Шу кунгача 92 корхона бюджетга 100,1 миллион сўм ўтказиб, қарзларидан қутулди. Қолган қарзлар ҳам яқин кунларда ундирилади. Бунинг учун 18 та корхона ва ташкилотнинг 25,7 миллион сўмлик молмулклари хатловга олинган. Бу мол-мулклар кимошди савдоси орқали сотилади.

Ориф ЭРНАЗАРОВ,
Ғаллаорол туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

Маҳалланг ота-онанг

ОДАМЛАР ТАШВИШИДА

Замон ва макон меҳварида шундай ёзилмаган қоидани кузатганмисиз? Элга оқсоқол ёки кайвони бўладиганни тайёрлаб берадиган махсус мактаб ёки ўқув юрти йўқ. Хўш, унда бўлажак оқсоқол ёки кайвони қаердан етишади? Аввало бўлармон оқсоқол одамга яратганнинг назари тушади, эл-улуснинг назари тушади. Элнинг "эътибор имтиҳонидан", "эътибор элагидан" ўтади. "Кўпда Ҳизр бор", деб бежиз айтилмаган. Тошкент шаҳар Юнус Ражабий номли маҳалла қўмитаси раиси Тоҳир ака Кўчқоров билан суҳбатлашганимда бу ҳикматнинг ҳақлигига яна бир карра тан бердик.



Суратда: Тоҳир Кўчқоров неваралари даврасида.

Нур МУҲАММАД олган сурат.

Тоҳир ака салкам етмиш ёшда. Қарийб 11 йилдан буён пойтахтимизнинг қоқ марказидаги йирик маҳаллага бош-қош. Отахон бу нуфузли вазифага келгунча 40 йил давомида иқтисодчи касби билан турли идораларда ишлаган, муҳими бошқарувнинг ҳадисини олган.

Маҳалла ҳокимиятнинг кичик нуқтаси. Салтанат ичидаги салтанат. Ижро масъулияти катта, янг яхши ташаббуслар ўчоғи — маҳалла. Юнус Ражабий номли маҳаллага 2340 хонадон қарайди. 46 та йирик кўп қаватли уйларда турли миллат вакиллари иноқ ва аҳил яшашади. 180 хонадон эса ҳовли жойларда истиқомат қилади. Маҳалла қўмитаси эса бор-йўғи 3-4 кишидан иборат. Демакки, маҳалла ишларини ташкил этишда фаоллар фидойилигидан ўринли фойдаланилади. Айниқса, котиб Михаил Митрофанов ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Рашида Мақсудхўжаева фаолиятидан маҳалла аҳли бениҳоя хурсанд.

Маҳалла ҳудудида 3 та боғча бўлиб, унда 400 зиёд бола тарбияланади. 91-сонли Бадр Чочий номли ўрта мактабда эса 1700 дан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олади. Шу ўринда бундан уч йил бурун рўй берган бир воқеани эсламасак бўлмас. Маҳалланинг қоқ ўртасида жойлашган болалар боғчаси Яккасарой туман халқ таълими бўлими собиқ мудирининг эътиборсизлиги туфайли ёпиб қўйилади. Буни эшитган "устамон тадбиркорлар" учарлик қилиб, боғча биносини сотиб олиб, савдо фирмасига айлантириш тараддудига тушиб қоладилар. Туман ҳокимлигидаги баъзи раҳбарлар ҳам "учарлар" ноғорасига ўйнаб, боғчани фирмага айлантириш тарафдори бўлиб чиқади. Маҳаллага эса биринчи галда савдо фирмаси эмас, мактаб керак. Чунки Бадр Чочий номли мактабнинг бошланғич синфларидаги баъзи синфларида 48-50 ўқувчи ўқиб, жой сиғмаётганидан қийналаётган эди. Шунда маҳалла фаоллари ўз раисларига мурожаат этади. Тоҳир аҳа бел боғлайди. Маҳалла отаси қулочқулоч аризалар ёзиб аввал туман ҳокимлигига, кейин шаҳар ҳокимлигига, Халқ таълими вазирлигига қатнайди. Ҳаракатда - баракат, дейдилар. Боғча биноси "учарлардан" қайтариб олиниб, бошланғич мактабга айлантирилади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бинони таъмирлаш учун 28 млн. сўм пул ажратади. 1997 йил ёзида мактаб ишга тушиб, 500 ўқувчи ўқийдиган бўлади.

Маҳаллада чойхона ишлаб турибди, маданий-маиший бинолар бисёр. Янги гузар қуриш режалаштирилган. Гузар битгач, 15 ишчи ўрнига эга аёллар кийимкечак цехи ҳам қуриб ишга туширилади. - Огоҳлик ҳамиша диққат марказимизда, - дейди Тоҳир ака, - ҳар бир "домда", гузарларда навбатчилик постлари ташкил этилган. "Ўзингни, ўз уйингни асра!"шиори маҳалламизда деярли ҳар бир катта-ю кичикнинг фикри-ёдига айланган. Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Маҳаллада ўз-ўзини таъминлаш, режаси бўйича ишларимиз юришмай турибди. Кичик таъмир ишлари учун ашёлар, баъзи бева-бечораларга ёрдам учун маҳалла фонди маблағи кам. Биз барибир йўлини топамиз, ҳаммаси қонуний бўлади. Биз ҳам ўрни келганда "Ҳорманг энди Тоҳир ака, эъзозли орзуларингиз рўёбга чиқсин, сира кам бўлманг, деймиз"...

Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Талабалар ҳаёти

МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТ ГУЛТОЖИ

Маънавияти ва маданияти ривожланган халқ енгилмас куч-қудратга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. Шу ўринда юксак маънавиятнинг гултожини яратиб кеттан буюк аждодларимиздан фахр ва ифтихор туямиз. Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Юғнакий, Алишер Навоий, Бобур каби сўз санъаткорларининг дурдона асарлари асрлар мобайнида ақл-заковатимизни бойитиб, ички оламимизни ёритиб келмоқда.

Ватанимиз мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгач, миллий сиёсатимизда маънавият масалалари етакчи ўринга чиқди. Маънавият — инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракатига онгли муносабати, гўзаллик ва нафосат тушунчаси бўлиб, бу муносабат ва тушунчаларни ўз фаолиятига сингдириб юбора олиш ифодасидир. Республикамиз Президенти Ислом Каримов маънавиятни "инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир", деб юқори баҳолайдилар.

Маънавият юксалишида тилнинг ривож топиши, таълим ва тарбиянинг ўсиши ва эътиқоднинг собитлиги ниҳоятда беқиёсдир. Маънавияти юксак, одобаҳлоқли, маърифатли кишиларда миллий ғурур туйғуси кучли бўлиб, улар ўз халқи манфаатини ҳимоя қилишни шараф деб биладилар.

Яқинда Тошкент Давлат юридик институтида "Миллий маънавият — мустақиллигимиз асоси" мавзуида маърифий семинар ташкил этилди. Ушбу семинар анжуманларидан кўзланган мақсад ҳам "Устоз ва шогирд бирлиги" заминида мустақиллик маънавиятини тараннум этиш, ёшларни эркин ва мустақил фикрлашга ўргатишдир. Шу билан бирга талабаларда илмий баҳс, ижодий ва ҳаётий мулоқот кўникмаларини ҳосил қилиш, келажаги буюк Ўзбекистон диёрини мадҳ этиш баробарида уларда Ватан туйғусини ривожлантириш бош масала қилиб қўйилди.

Дастлабки анжуман 1-Ҳуқуқ факультетининг биринчи курс талабалари уюштирган "Мустақиллик — олий неъмат" мавзусига бағишланган бадиий-мусиқий мушоира бўлиб, у барча анжуманларнинг руҳини белгилаб берди. Унда шоиралар Ҳосият Рустамова, Фароғат Камолова, Ҳалима Аҳмедовалар ўзларининг она-юрт, озодлик ва муҳаббат ҳақидаги шеърларидан намуналар ўқидилар. Республикада хизмат кўрсатган артистлар Замира Раҳматуллаева ва Маҳмуд Номозовлар мустақиллигимизни тараннум этувчи дилбар қўшиқлари билан семинар иштирокчиларини хушнуд этдилар.

2- ва 3-Ҳуқуқ факультетларининг шу йил талабаликка қабул қилинган ёшлари тайёрлаган "Инсонпарварлик — адабиёт ва ҳуқуқнинг бош мезони", "Ватан — саждагоҳ каби муқаддас", "Оламни маҳлиё айлаган диёр" ва "Ватан юрак каби ягонадир" мавзуларидаги тадбирларда бугунги кун нафаси уфуриб турди. Ёшларнинг севимли шоирлари Йўлдош Сулаймон, Усмон Азим, адабиётшунос олимлар Абдуқодир Ҳайитметов ва Азиз Қаюмов ҳамда "Тафаккур" журналининг ижодий жамоаси Ватан ва бурч, дўстлик ва садоқат тўғрисида сўз юритдилар. Дилдан суҳбат қизғин савол-жавобларга, шеърхонлик эса катта мушоирага айланиб кетди.

Шунингдек, 3-Ҳуқуқ факультетининг 1-курс талабалари уюштирган "Маънавий юксалиш — миллат ютуғи" деб номланган очиқ мулоқот семинарида 2000 йил талабалик сафига қабул қилинган бўлғуси ҳуқуқшуносларга талабалик гувоҳномаларини топшириш маросими бўлди. 2-Ҳуқуқ факультетининг декани Сотволди Бобоқулов ушбу шарафли вазифани бажарар экан, бундай бахтга мушарраф бўлган ёшларимизни қизғин табриклаб, уларга оқ йўл тилади.

Шундан кейин анжуманга ташриф буюрга Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг актёри, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов маънавий юксалишда театрнинг ўрни ҳақида гапириб, талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, тарих фанлари доктори Ҳожиакбар Ҳамидов ҳам маънавият ва иқтисодиётнинг ажралмас бирлиги тўғрисида сўзлаб, ўзининг лирик қўшиқларидан ижро этиб берди.

Бугунги кун талаби иқтисодий мустақиллик билан бир қаторда маданий-маънавий уйғоқликни тақозо этмоқда. Зеро, маънавият — миллат гултожидир.

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг ўқитувчиси

* * *

Суратларда анжумандан лавҳалар акс эттирилган.

Онажоним шеърият

Неъматулла ака шеърларини яхши кўради. Лекин шоирликка даъвоси йўқ. Шеърият маълум қонун-қоидаларга бўйсунгани янглиғ жамият ҳам ўз қонун-қоидаларига, ҳуқуқий тамойилларига риоя қилган ҳолда ривожланади, деб ўйлайди у ва озод Ўзбекистонимизда рўй бераётган улуғвор ўзгаришлардан, ҳаёту тириклик, фарзандлар камолидан завқланиб, тўлқинланиб мисралар битади. Қуйида у кишининг шеърларидан баъзи намуналар берилмоқда.

ИСТИҚЛОЛ ГҮНЧАСИ

Ғам-ҳижронга ботмагин ҳеч вақт,
Ёлғонларга учмагин ҳеч вақт,
Оғир дамдан қочмагин ҳеч вақт,
Ўқиб доно бўларсан ҳали,
Ўн саккизга кирарсан ҳали.

Ўтмишларга боққин сен, болам,
Ҳавас қилсин бутун бир олам,
Ақл билан босгин сен қадам,
Боғлардан гул узарсан ҳали,
Ўн саккизга кирарсан ҳали.

Кўзларингга ёшлар тўлмасин,
Ёмон кунлар меҳмон бўлмасин,
Ота-онанг ёддан чиқмасин,
Бахтдан ўйнаб-куларсан ҳали,
Ўн саккизга кирарсан ҳали.

Қувончларинг бўлсин бир дунё,
Ишончларинг бўлсин бир дунё.
Бу Ватанда кулсин бир дунё,
Самоларни қучарсан ҳали,
Ўн саккизга кирарсан ҳали.

Оллоҳ берган сенга бир омад,
Ақл-идрок, гўзал бир ҳикмат,
Гўзал юртга бўлгил сен зийнат,
Қувончларга тўларсан ҳали,
Ўн саккизга кирарсан ҳали.

ОНАЖОН

Дунёга келдиму кўзимни очдим,
Аввал бошлаб сизни кўрдим, онажон!
Кафтингиз устида улғайиб-ўсдим,
Меҳрингизга қониб тўйдим, онажон.

Хоки-пойингизни айлай тутиё,
Кўзларингиз менга бахш этди зиё,
Сизсиз бу дунёда йўқдайман гўё,
Ёшим улғайди-ю, билдим онажон.

Узоқ йўлда бирга ҳамроҳ бўлмадим,
Оғир ташвишингиз енгил қилмадим,
Фарзандлик бурчимни адо қилмадим,
Меҳрингиз кўнгилда қолди онажон!

Неъматулла КЎЧАРОВ

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: С. ҚИЛИЧЕВА
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: З. ШЕРМАТОВА
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 1.
Тел: 133-24-44
132-14-18
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.